*Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!*

# ИНСОН ва ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

2013 йил 26 февраль • сешанба № 9 (849)

e-mail: insonvaqonun@minjust.gov.uz | www.insonvaqonun.uz | www.insonvaqonun.adliya.uz




**Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси қабул қилинганлигининг 65 йиллиги олдидан**

## Юристлар малакасини ошириш маркази

### Инсон ҳуқуқлари соҳасида миллий ва халқаро ҳуқуқий меъёрлар уйғунлиги

**МАМЛАКАТИМИЗДА амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари жараёнида суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимларига инсон ҳуқуқларига оид халқаро-ҳуқуқий стандартларни ўқитиш масаласи муҳим аҳамият касб этади.**

ШУ НУҚТАИ НАЗАРДАН Адлия вазирлигининг Юристлар малакасини ошириш маркази томонидан шартли равишда уч йўналишга бўлинган муайян ишлар амалга оширилмоқда:

— Марказда малака ошираётган суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларидан иборат тингловчиларга инсон ҳуқуқлари соҳасида машғулотлар ўтказиш;

— халқаро ва илғор хорижий тажрибани ўрганишга қаратилган тадбирлар ўтказиш, яъни халқаро семинар, конференция ва давра суҳбатлари уюштириш;

— инсон ҳуқуқларини ўрганишга қаратилган ўқув-услубий қўлланмалар, монографиялар, илмий мақолалар тайёрлаш ва чоп этиш.

Ҳозирги кунда Марказда инсон ҳуқуқларига оид қуйидаги махсус курслар ўқитилади:

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг халқаро ва миллий механизмлари;

Халқаро ҳуқуқда одил судловга оид стандартлар ва Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилиги;

Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро шартномалар бўйича мажбуриятлари;

Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар бўйича Халқаро пакт ҳамда Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактнинг асосий қоидалари ва моҳияти;

Судлар фаолиятида инсон ҳуқуқларига оид халқаро стандартларнинг ўрни ва роли;

Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи турларига қарши конвенциянинг моҳияти;

Аёллар ҳуқуқларини таъминлашнинг халқаро-ҳуқуқий ва миллий механизмлари;

Болалар ҳуқуқлари: халқаро стандартлар ва миллий қонунчилик.

Шунингдек, барча гуруҳларда одам савдосига қарши кураш соҳасидаги халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар ва миллий қонунчилик талабларини ўрганишга қаратилган машғулотлар ўтказилмоқда.

2009 йил 10 декабрдан буён Марказда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ресурс маркази фаолият кўрсатади. Ушбу Ресурс марказини очишдан кўзланган асосий мақсад тингловчилар ва профессор-ўқитувчиларга инсон ҳуқуқлари соҳасига оид замонавий адабиётлар, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълимнинг замонавий метод ва ёндашувлари, бу борадаги хориж тажрибаси бўйича зарурий маълумотларга эга бўлиш имкониятини яратишдан иборатдир.

Иккинчи йўналишдаги ишларни ташкил этишда Марказ халқаро алоқаларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Сўнгги икки йилда Марказ томонидан 10 дан зиёд халқаро тадбирлар ташкил этилди. Ушбу тадбирларда АҚШ, Буюк Британия, Германия, Венгрия, Польша, Белорусь ва Россиядан экспертлар иштирок этди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг ходимлари малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш ва мазкур соҳада хорижий давлатлар билан тажриба алмашиш ҳамда юридик таълим соҳасидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича асосий йўналишларни ишлаб чиқиш мақсадида Марказ ташаббуси ва ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалар координатори билан ҳамкорликда "Юристлар малакасини ошириш маркази фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашиш" лойиҳасини амалга оширмоқда. Лойиҳанинг асосий мақсади ҳуқуқшунослик соҳасида мутахассисларни тайёрлаш бўйича янги ташкилий-ҳуқуқий шароитларни яратиш ва инсон ҳуқуқлари соҳасида миллий қонунчиликни ва халқаро ҳужжатларни ўрганиш бўйича давлат идораларининг ўзаро фаолиятининг замонавий шаклларини йўлга қўйишдан иборат.

Марказ томонидан Инсон ҳуқуқлари бўйича бир қатор нашрлар чоп этилди. Жумладан, 2011 йилда ЕХҲТнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган "Мустақиллик ва инсон ҳуқуқлари" номли мақолалар тўплами, 2012 йилда "Инсон ҳуқуқлари" номли ўқув қўлланма ва ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалар координатори билан ҳамкорликда "Инсон ҳуқуқлари ва одил судлов" номли амалий қўлланма тайёрланди.

Марказ нашрларининг мавзуи халқаро оммавий ҳуқуқ доирасида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш ва ҳимоя қилишнинг замонавий тизими халқаро ҳуқуқий ҳужжатларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш бўйича демократик давлатларнинг тажрибасини қиёсий ҳуқуқий жиҳатдан тадқиқ қилиш каби масалаларни ўз ичига олади.

Демак мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида жаҳон андозаларига мос равишда мустаҳкам ҳуқуқий база яратилган. Бунда Юристлар малакасини ошириш марказининг ҳам алоҳида ўрни бор.

**Ўткир ЖАЛОЛОВ,**
**Юристлар малакасини ошириш маркази бўлим бошлиғи**




**Суратда: Юристлар малакасини ошириш марказида турли мавзулардаги халқаро анжуманлар мунтазам ўтказиб борилади.**

**Ўқув-машғулот**

## Тил — миллат кўзгуси

ТИЛ МИЛЛАТ қиёфаси, халқнинг мустаҳкам тарихий илдизи. Тил ёш авлод юрагида ватанпарварлик, миллий ғурур туйғуларини жўш урдирувчи чексиз маънавий кучга эга. Бош қомусимиз бўлган Конституциямизда она тилимиз юксак мақомга эгалиги, уни асраб-авайлаш ва ривожлантиришнинг қонуний асослари ёрқин акс этган. Тилимиз ҳақидаги ана шундай фикрлар Адлия вазирлиги ўқув-машғулотининг галдагисида ҳам таъкидлаб ўтилди.

Тадбирда **Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Норқул Бекмирзаев** иштирок этиб, ўзбек тили дунёдаги қадимий ва бой тиллардан бири эканлиги борасида сўзлаб, Ҳазрат Алишер Навоийнинг она тилимиз ҳақидаги **"Тилимиз шундай бир хазинаки, дуру гавҳари (сўзлари) осмон ёритгичларидан ҳам порлоқ, шундай бир гулзорки, ҳар бир гули чаман лолаларидан гўзалроқ"**, деган пурмаъно сатрларини йиғилганларга яна бир бор эслатиб ўтди.

**Адлия вазирлиги Ҳуқуқий тарғибот ва ҳуқуқий таълим бошқармаси**



**Адлия аралашгач...**

## Шартнома туздингизми?

### Мажбуриятни унутманг. Акс ҳолда...

ШАРТНОМАЛАРНИ тузишда томонлар Фуқаролик кодекси, **"Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"**ги Қонунга ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга амал қилади.

Бундан ташқари, юртимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги шартномавий муносабатларни мустаҳкамлаш ҳамда шартнома маданиятини янада юксалтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 сентябрдаги 383-сонли қарори билан тасдиқланган **"Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар билан тайёрлов, хизмат кўрсатиш ташкилотлари ўртасида шартномалар тузиш, уларни рўйхатдан ўтказиш, бажариш, шунингдек, уларнинг бажарилиши мониторингини олиб бориш тартиби тўғрисида"**ги Низомга 2011 йил 30 июндаги Вазирлар Маҳкамасининг 193-сонли қарори билан ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Юқорида санаб ўтилган қонунларда ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда хўжалик шартномаларида ҳисоб-китоб қилиш тартиби аниқ белгилаб қўйилган. Бу борада адлия органлари томонидан шартнома тузувчи тарафларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиб келинмоқда. Ҳисоб-китоб тартибига риоя қилмаган тарафларга нисбатан қатъий чоралар кўрилмоқда. Жумладан, Самарқанд вилояти адлия бошқармаси томонидан шартномавий муносабатлар юзасидан ўтказилган мониторинг натижалари бўйича, 2012 йил 29 февралда Пахтачи туманидаги "Абдуллаев Дўстмурод Султонович" фермер хўжалиги манфаатини кўзлаб, жавобгар "Зиёвуддин толаси" МЧЖга етказиб берилган хомашё учун 47 миллион 411 минг сўм қарзни ундириш тўғрисида вилоят хўжалик судига даъво аризаси киритилиб, Самарқанд вилояти хўжалик судининг 2012 йил 2 апрелдаги ҳал қилув қарори билан даъво тўлиқ қаноатлантирилган.

Шунингдек, Хоразм вилояти "Қишлоқхўжаликкимё" АЖ Гурлан тумани филиали раҳбарлари "Маҳмуд Салай" фермер хўжалигига 2011 йил 21 февралда тузилган шартномага мувофиқ фермер хўжалигига 2011 йил давомида 17 миллион 726 минг сўмлик минерал ўғит етказиб бериш мажбуриятини олган. Аммо жавобгар шартнома бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятини тўлиқ бажармаган, яъни фермер хўжалигига шартномада белгиланган минерал ўғитни етказиб бермаган. "Қишлоқхўжаликкимё" АЖ Гурлан тумани филиалидан фермер хўжалиги фойдасига етказиб берилмаган 4 миллион 586 минг сўмлик минерал ўғитлар кечиктирилганлиги учун 2 миллион 293 минг 400 сўм пеняни ундирилиши юзасидан 2012 йил 31 март куни судга даъво аризаси киритилиб, даъво аризаси суд томонидан тўлиқ қаноатлантирилган.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда адлия органлари нафақат шартномаларнинг қонуний тузилиши, балки уларда белгиланган ҳисоб-китобларнинг бажарилишини ҳам назорат қилиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширмоқда.

**Озод БЕКМУРАДОВ,**
**Адлия вазирлиги масъул ходими**

## Шартномавий муносабатларга бағишланди

**ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ** адлия бошқармасида фермерлик фаолиятини янада ривожлантириш, шартномавий-ҳуқуқий муносабатларни такомиллаштириш ҳисобига ер, сув ва моддий ресурслардан оқилона фойдаланиш, мавсум олдидан фермерларга юклатилган вазифаларга бағишлаб, вилоят Фермерлар кенгаши, хизмат кўрсатувчи идоралар вакиллари иштирокида семинар ташкил этилди.

Унда таъкидланганидек, бугунги фермер иқтисодий, ҳуқуқий билими, бугунги дунёқараши билан ҳам аввалги фермерлардан тубдан фарқ қилади. Фермерлар қишлоққа саноатни олиб кириш, аграр секторнинг барча тармоқларини йўлга қўйиш орқали минг-минглаб янги иш ўринлари ташкил этиш ва қишлоқлар қиёфасини ўзгартиришда ҳам фаол иштирок этмоқда. Фермерлик ҳаракатининг кенг қўллаб-қувватланиши тармоқда барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш, ерларнинг унумдорлиги ва деҳқонларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш имконини бермоқда.

Тадбирда қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг асосий ишлаб чиқарувчисига айлангани, аҳоли турмуш даражаси ва сифатини ошириш учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган фермерларга шартномалар аҳамияти ва уни сўзсиз бажаришда фермерлар олдида турган долзарб вазифалар ҳақида адлия бошқармаси томонидан тегишли тавсиялар берилди.

Фермер хўжаликлари ҳуқуқлари, қонуний манфаатларининг ҳимоя қилиниши ва самарали фаолият юритишларини таъминлашда шартномавий муносабатлар, бу борадаги солиқ имтиёзлари юзасидан соҳа ходимларининг маърузалари тингланди.

**Адлия вазирлиги Ахборот хизмати**

## Ёшлар – гиёҳвандликка қарши



ТОШКЕНТ давлат юридик институтида Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси билан ҳамкорликда "Ёшлар орасида гиёҳванд воситалар тарқатилишининг олдини олиш" мавзуида йиғилиш бўлиб ўтди.

ИИББ ходимлари гиёҳвандликка қарши кураш ва унинг олдини олиш борасида пойтахтимизда амалга оширилаётган ишлар хусусида талабаларга сўзлаб берди.

Тошкент шаҳар наркология диспансери шифокор-нарколога Ҳилола Юсупхўжаева эса гиёҳванд воситаларнинг инсон наслига салбий таъсири ҳақида маъруза қилди.

## Оқгулнинг омади юришди



ХАЛҚАРО теннис федерацияси томонидан дунёдаги энг кучли теннисчиларнинг янги рейтинг жадвали эълон қилинди.

Унга кўра, аёллар орасида мамлакатимизнинг биринчи рақамли теннисчиси Оқгул Омонмуродова 148-ўринда қайд этилди. Аввалги рейтингда 199-ўринга лойиқ кўрилган Оқгул Омонмуродова янги рўйхатда 51 поғона юқорига кўтарилди.

## Россияда автомобилларимизнинг бозори чаққон

ТЕЗ КУНЛАРДА Россия автобозорида Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган янги "Нексия" тақдим этилади.

Мазкур автомашина замонавийлиги, хавфсизлик ва қулайлик нуқтаи назаридан барча талабларга жавоб беради, деб ҳисоблашмоқда россиялик мутахассислар. Шу боис, ўзбек автомобиллари харидоргирлиги жиҳатидан маҳаллий "Лада" автоконцерни маҳсулотлари билан тенглашмоқда.

Бугунги кунда арзонлиги ва харидоргирлигига кўра "Нексия" Россия бозоридаги энг етакчи автоуловлар сирасига киради. Айни пайтда "Ласетти" русумли автомашиналарга ҳам талаб ортиб бораётир.

## Янги "сотка" яратилди



ХИТОЙДА дунёдаги дастлабки шаффоф қўл телефони яратилди. Ушбу лойиҳа "Polytron Technologies" компанияси мутахассислари томонидан ишлаб чиқилди. Сенсор экрани билан жиҳозланган ушбу мобиль алоқа воситаси смартфонларда мавжуд бўлган бир қатор функцияларга эга. Компания бундай телефонларни шу йилнинг ўзида сотувга чиқаришни режалаштирмоқда.

## Битта телевизорни деб...

ЁЗУВЧИ Одил Ёқубовнинг "Улуғбек хазинаси" асаридаги Абдулатифни кўз олдингизга келтиринг. Ўғил тожу тахт учун отасига қарши "жанг" қилади. Пахтаободлик Карим аканинг ўғли эса битта телевизорни деб отасига қарши чиқди. Уч марта судланган Дилшод Содиқов отасини шафқатсизларча ўлдириб, Тошкентга қочиб кетаётганида Пахтаобод тумани ИИБ ходимлари томонидан қўлга олинди.

**Хабарларни "Инсон ва қонун" мухбири Зайниддин МАМАДАЛИЕВ саралади.**

*"INSON va QONUN"* ҳуқуқий газетасига обуна бўлинг!
Обуна индекси — 137. website: minjust.uz
e-mail: insonvaqonun@minjust.gov.uz Тел/факс: 233-84-50

*"HUQUQ va BURCH"* ижтимоий ҳуқуқий журналига обуна бўлинг!
Обуна индекси — 902. website: huquqburch.uz
e-mail: info@huquqburch.uz Тел/факс: 233-21-93

*"Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами"* ҳафталик расмий нашрига обуна бўлинг!
Обуна индекси — 949. website: adolatnashr.uz
e-mail: adolatnashr@minjust.gov.uz Тел/факс: 233-67-65

*"Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари тўплами"* расмий нашрига обуна бўлинг!
Обуна индекси — 949. website: adolatnashr.uz
e-mail: adolatnashr@minjust.gov.uz Тел/факс: 233-67-65

*LexUz — Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, фойдаланувчиларга интернет орқали норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдаланиш имкониятини яратади.*
e-mail: cpi-info@minjust.gov.uz Тел: 236-73-98, 236-17-33
website: www.lex.uz

## ТДЮИдаги давра суҳбати халқаро ҳамкорликка бағишланди

# Адолат тамойили устунлари

## уларнинг мустаҳкамлиги суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларда ўз ифодасини топмоқда





**2013 йил 19-20 февраль кунлари ТДЮИ мажлислар залида Тошкент давлат юридик институти ҳамда Япониянинг Нагоя Университети билан ҳамкорликда халқаро анжуман ўтказилди.**

ТДЮИ ташаббуси билан ташкил этилган мазкур анжуманда Япония делегацияси вакиллари, халқаро алоқалар бўлими ходимлари, амалиёт ходимлари, "Фуқаролик процессуал ҳуқуқи", "Хўжалик ҳуқуқи ва хўжалик процессуал ҳуқуқи", "Жиноят процессуал ҳуқуқи" кафедралари профессор-ўқитувчилари, Япон тили ва ҳуқуқи маркази тингловчилари, докторант-тадқиқотчилар, магистрлар ва талабалар иштирок этди.

ТДЮИ "Фуқаролик процессуал ҳуқуқи" кафедраси **"Суд қарорларини назорат тартибида қайта текшириш институтини такомиллаштириш масалалари: Ўзбекистон ва Япония тажрибаси"**, "Хўжалик ҳуқуқи ва хўжалик процессуал ҳуқуқи" кафедраси **"Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессида назорат тартибида иш юритиш ва одил судлов устидан назорат"**, "Жиноят процессуал ҳуқуқи" кафедраси билан ҳамкорликда **"Ўзбекистон Республикасининг жиноят процессида назорат тартибида иш юритиш хусусиятлари"** мавзуида бўлиб ўтган халқаро илмий-амалий давра суҳбатида юртимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари мазмун-моҳиятига атрофлича эътибор қаратилди.

Давра суҳбатида Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси Алижон Ортиқов "Фуқаролик ишларини назорат тартибида қайта кўришда суднинг ваколатлари", Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Судларда фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бўлими бошлиғи ўринбосари Моҳира Қурбонова "Прокурорлар томонидан назорат тартибида протест келтириш амалиёти" номли маърузалари билан иштирок этишди. Бунда миллий ва хорижий тажрибани ўрганиш нуқтаи назаридан ҳам ўзаро тажриба алмашилди.

Шунингдек, анжуманда Ўзбекистон Судьялар Ассоциацияси Раисининг биринчи ўринбосари У.Мингбоев, Олий хўжалик суди судьяси З.Қурбонова, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Олий ўқув курслари ўқитувчи ва тингловчилари қатнашиб, анжуман мавзуси доирасида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Мазкур тадбирда Япониянинг Нагоя Университети ҳуқуқшунослик факультети профессори Сугиура Казутака, Миэ Университети гуманитар фанлар факультети декани профессор Кодама Шигеру, Коучитанки Университети профессори Кувахара Наоко, Нагоя Университети ҳуқуқшунослик факультети докторанти Бунёдбек Ибрагимов, Нагоя Университети ҳуқуқшунослик факультети магистранти Женя Шербаковалар иштирок этиб, Ўзбекистон ва Япония давлатларининг фуқаролик, хўжалик ва жиноят процессуал нормаларида суд қарорларини қайта текшириш институтларини такомиллаштириш, хусусан назорат тартибида иш юритиш масалаларининг қиёсий таҳлили билан ўзаро фикр алмашилди.

Қуйида мазкур давра суҳбатида билдирилган фикр-мулоҳазаларга эътиборингизни қаратмоқчимиз:

**Омонулла МУҲАММАДЖОНОВ, ТДЮИ ректори, юридик фанлар доктори:**

— Президентимизнинг **"Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"**да мамлакатимизнинг демократик янгилашнинг энг муҳим босқичларидан бири бу қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган, суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштиришдан иборатлиги ҳамда фуқароларнинг суд орқали ҳимояланиш кафолатлари жиддий тарзда кучайтирилди, ушбу кафолатдан фойдаланишни таъминлаш бўйича катта кўламдаги чора-тадбирлар амалга оширилди, дея таъкидлаб, судлар томонидан йўл қўйилган хатоларни ўз вақтида тузатиш, суд фаолиятида сансалорликка йўл қўймаслик масалаларига алоҳида эътибор қаратдилар. Ушбу кафолатнинг ҳуқуқий механизми эса назорат тартибида суд қарорларини қайта текшириш тартиб-таомиллари ҳисобланади. Маълумки, одил судловни амалга ошириш инсон тақдири билан чамбарчас боғлиқ, бу борада етти ўлчаб бир кесмоқ лозим. Биринчи инстанция, апелляция ва кассация тартибида ўрганилган суд ҳужжатлари яна бир босқичда — назорат тартибида ҳам қайта кўриб чиқиш имкониятларининг мавжудлиги инсонпарварликнинг энг олий нуқтасидир. Мамлакатимизда изчил амалга оширилган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари бу борадаги ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва қонунчилик тизимига жиддий сифат ўзгаришларини киритди. Шу нуқтаи назардан илмий анжуманларда бизнинг доимий ҳамкоримиз япон ҳуқуқшунос олимлари ва ўзимизнинг мутахассислар нигоҳи билан суд назоратининг ҳозирги аҳволини таҳлил этиш, Япония ва бошқа ривожланган мамлакатлар тажрибаси билан қиёслаш муҳим аҳамиятга эга.

Шундай экан, Ўзбекистон ва Япония билан турли соҳалардаги ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқиш, айниқса, таълим муассасалари ўртасидаги халқаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш суд қарорларини назорат тартибида қайта кўришда суднинг ваколатлари, прокурорлар томонидан назорат тартибида протест келтириш амалиётини ўрганиш орқали Ўзбекистон ва Япония давлатлари процессуал қонунчилигини қиёсий таҳлил қилиш ва шу асосда тегишли таклифлар ишлаб чиқиш, субъектларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш механизмини халқаро стандартларга мослигини яна бир карра қайд этиш, юксак билимли ва салоҳиятли ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлаш вазифаларини рўёбга чиқариш учун кўмаклашишга қаратилган.

**Сугиура КАЗУТАКА, Нагоя Университети ҳуқуқшунослик факультети профессори:**

— Япония ҳуқуқшунос олимлари Ўзбекистонда суд орқали ҳимояланиш ҳуқуқининг мазмуни, уни амалга ошириш кафолатлари, суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг ривожи ва унинг натижаларини диққат-эътибор билан кузатиб бормоқдалар. Одил судловни амалга оширишда энг муҳим нуқталардан бири қабул қилинган суд қарорларининг қонунийлиги ва асослантирилганлиги асосан адолатлилиги устидан суд назоратини белгилаш ҳисобланади. Бу борада Япония ва Ўзбекистон ҳуқуқ тизимида умумий, туташ нуқталар кўплигини таъкидлаш жоиз. Айни пайтда иқтисодий низоларни ҳал қилиш бўйича Японияда алоҳида ихтисослашган судлар тизими мавжуд эмас. Иқтисодий ишлар ҳам бошқа фуқаролик ишлари каби умумий юрисдикция судларида кўрилади. Лекин Японияда умумий юрисдикция судларининг қуйи бўлимида оилавий низолар бўйича ихтисослашган судлар мавжуд. Ўзбекистон Республикасида иқтисодий низолар бўйича махсус ихтисослашган хўжалик судлари мавжудлиги диққатга сазовордир. Бу тизим бозор муносабатларига ўтиш ва уни мустаҳкамлаш босқичларида тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш, иқтисодий низоларни тез, моҳиятини чуқур англаган ҳолда кўриб чиқиш ва асослантирилган қарорлар қабул қилиш имконини беради. Японияда суд назоратида янги очилган ҳолатлар бўйича ишларни қайта кўриб чиқиш асослари билан чекланади. Ўзбекистонда эса ушбу асос билан бирга назорат тартибида ишларни кўриб чиқишнинг махсус таомиллари ва асослари ҳам мавжудлигини ўзига хослик, деб айтиш мумкин.

Бугунги кунда Ўзбекистонда судьялар корпусини шакллантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари қайта кўриб чиқилаётганлиги, уларни моддий-молиявий жиҳатдан таъминлаш бўйича жиддий тадбирлар амалга оширилганлиги, судьяликка номзодларни танлаш, тайёрлаш, қайта тайёрлаш, тайинлаш мезонларида юқори профессионал малака, катта ҳаётий тажриба, бенуқсон обрў-эътибор ва муайян юридик амалиёт мавжудлиги судьялар корпусини сифат жиҳатдан янгиланишга олиб келади, деб айтиш мумкин. Бу эса ўз-ўзидан судлар томонидан чиқариладиган қарорларнинг қонунийлиги, асослантирилганлиги даражасини оширади, суд назорати тизимига ижобий таъсир кўрсатади.

**Замира ЭСАНОВА, "Фуқаролик процессуал ҳуқуқи" кафедраси мудири, юридик фанлар доктори:**

— Президентимизнинг 2010 йил 12 ноябрдаги Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги **"Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"**да суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишга алоҳида эътибор қаратилиб, ушбу йўналишда амалга оширилган ва келгусида амалга оширилиши режалаштирилган туб ислоҳотлар, кенг кўламли ишлар, қабул қилиниши лозим бўлган қонун лойиҳалари ҳақида қатор вазифалар белгилаб берилди. Жумладан, юқорида айтиб ўтилганидек, маърузада суд қарорларини текширишда апелляция, кассация ва назорат инстанцияларининг тутган ўрни муҳим аҳамият касб этиши алоҳида эътироф этилган эди. Президентимиз маърузасида келтирилган асосий ғоялардан келиб чиқиб, суд қарорларини назорат тартибида текширишнинг **мазмуни** қуйидагиларда кўринади:

Ушбу институт фуқаролик процессининг муҳим ва мустақил босқичи саналади;

Қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорлари, ажримлар ва қарорларни назорат тартибида текшириш фаолиятини амалга оширади;

Қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорлари, ажримлар ва қарорларни назорат тартибида текшириш орқали уларнинг қонуний, асосли ва адолатли эканлигини таъминлайди;

Назорат тартибида суд қарорларини текшириш фаолияти қонунда кўрсатилган (ФПКнинг 349-моддаси) махсус субъектлар томонидан амалга оширилади;

Назорат тартибида суд қарорларини текшириш ва қайта кўриш фаолиятида махсус субъектлар номига назорат тартибида протест келтириш тўғрисидаги ариза бериш йўли билан фуқароларнинг иштироки таъминланишига йўл қўйилади;

Назорат тартибида суд қарорларини қайта кўришда аниқ процессуал қоидалар (махсус субъектлар, судга мурожаат қилиш муддати, иш кўриш доираси, ишни талаб қилиб олиш, суд қарорлари ижросини тўхтатиб туриш, ишни назорат тартибида кўраётган суднинг ваколатлари в.б.) мустаҳкамланган бўлади.

Қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорлари, ажримлар ва қарорларни **назорат тартибида текширишнинг аҳамияти** шундаки, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларининг ҳимояси таъминланади ҳамда қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорлари, ажримлар ва қарорларни қонуний, асосли ва адолатли эканлигини назорат тартибида текшириш имконияти туғилади ҳамда фуқароларнинг одил судловни амалга ошириш тизимига бўлган ҳурмат ва ишончи янада ортади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, бугунги кун процессуалист олимлар олдига битта мақсадни қўймоқда. Яъни, биз нафақат Япония, балки бошқа хорижий давлатларнинг соҳага оид қонунларини ўрганишимиз, қиёсий таҳлил қилишимиз ва шу асосда илмий ҳамда амалий жиҳатдан асослантирилган таклифлар ишлаб чиқиб, процессуал қонунчиликни такомиллаштиришга ўз ҳиссамизни қўшишимиз шарт.

**Моҳира ҚУРБОНОВА, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси судларда фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бўлими бошлиғи ўринбосари:**

— Конституциямиз билан бир вақтда қабул қилинган **"Прокуратура тўғрисида"**ги Қонун ўтган йиллар мобайнида ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида самарали хизмат қилди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва ушбу Қонун доирасида фаолият кўрсатаётган прокуратура органлари мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни сақлаш, туб ислоҳотлар самарасини таъминлаш, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилиш, жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олиш борасида муҳим ишларни амалга оширдилар.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси қабул қилиниши муносабати билан прокурорнинг фуқаролик процессидаги вазифаси ҳам замон талабларидан келиб чиқиб ўзгарди. Эндиликда фуқаролик суд ишларини юритишда прокуратура органлари ўз олдига қўйилган ва қонунда кўрсатилган қатор вазифаларни амалга ошириш билан бирга суд процессида фаол қатнашиб, иш юзасидан қонуний, асосли ва адолатли ҳал қилув қарори, ажрим ва қарор чиқарилишини таъминлашга кўмаклашади.

Таҳлиллардан кўринишича, Бош прокуратурага 2012 йилда 44 мингдан зиёд фуқаро ариза ва шикоят билан мурожаат қилган. Шундан судларда фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бўлимига қарийб 4000 таси тегишли бўлиб, бундан 910 таси бевосита бўлим томонидан ҳал этилган.

Протест келтириш тўғрисидаги ариза бир ойлик муддатда, иш талаб қилиб олинадиган ва текшириладиган ҳолларда икки ойгача бўлган муддатда кўриб чиқилиши керак. Протест келтириш учун асослар бўлмаса, иш бўйича хулоса тузилади, унда иш бўйича чиқарилган қарор ёки ажримнинг мазмуни, аризани оқибатсиз қолдириш важлари кўрсатилиши, ариза берган шахсга аризани қаноатлантирмасдан қолдириш сабаблари кўрсатилиб, ёзма жавоб берилиши лозим. Прокурор келтирган протестни юқори турувчи прокурор ҳам тўлдириши, ўзгартириши ёки қайтариб олиши мумкин.

**Алижон ОРТИҚОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси:**

— Ўзбекистон Республикаси **"Судлар тўғрисида"**ги Қонунининг 13-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий суди фуқаролик, жиноий ва маъмурий ишларини юритиш соҳасида суд ҳокимиятининг олий органи бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Қорақалпоғистон Республикаси олий судлари, вилоят, шаҳар, туманлараро, туман судлари ва ҳарбий судларнинг судлов фаолияти юзасидан назорат олиб боради.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ишларни биринчи инстанция суди сифатида ва назорат тартибида кўради.

Назорат тартибидаги протестлар бўйича Олий суд Пленуми ва Раёсати қарор, судлов ҳайъати ажрим чиқаради.

Агар аниқ рақамларга ўтадиган бўлсак, 2012 йил давомида Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатига жами 11694 та ариза ва шикоят келиб тушган бўлиб, уларнинг сони 2011 йилнинг шу даврига нисбатан 1006 тага ёки 7,9 фоизга камайган. Шикоятларнинг 5548 таси вилоят судлари ва тааллуқлилиги бўйича бошқа органларга ҳал қилиш учун юборилган, 6146 та ариза ва шикоят бевосита фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан ҳал қилинган. Шундан 5862 та иш чақиртирилмасдан, 284 та иш чақиртирилиб ҳал қилинган.

Иш чақиртирилмасдан ҳал қилинган 5862 та ариза ва шикоятдан 2693 таси бўйича рад жавоби, 1727 таси бўйича тушунтириш берилган. 1442 та ариза ва шикоят асосий ариза ва шикоятларга қўшимча тарзда ўрганилган.

Назорат тартибида киритилган 179 та протестнинг 178 таси бевосита Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатига, 1 таси Тошкент шаҳар суди раёсатига киритилган.

2012 йил давомида судлов ҳайъатида Олий суд раисининг ўринбосари томонидан келтирилган протестлар асосида 171 та, Бош прокурорнинг ўринбосари томонидан келтирилган протестлари асосида 60 та иш кўриб чиқилган. Шундан, 222 та протест қаноатлантирилиб, 9 та протест рад этилган. Келтирилган протестлар бўйича чақириб олинган протестлар мавжуд эмас.

Рақамлардан кўринишича, республика бўйича суд қарорларининг бекор қилиниши камайиб бораётганлиги кузатилмоқда.

Бугунги тадбирдан ўзим ҳам судья сифатида катта таассурот олдим, бу ерда ҳар бир билдирилган фикр-мулоҳазалар, саволларга берилган жавоблар илмий ва амалий жиҳатдан асосланганлиги, Ўзбекистон ва Япония қонунчилигининг чуқур таҳлили эътиборимни тортди.

**Сотволди БОБОҚУЛОВ, ТДЮИ "Хўжалик ҳуқуқи ва хўжалик процессуал ҳуқуқи" кафедраси мудири, юридик фанлар доктори, профессор:**

— Маълумки, назорат тартибида суд қарорларини қайта кўриб чиқиш таомили апелляция ва кассациядан тубдан фарқ қилади. Суд қароридан норози бўлган тарафлар назорат тартибида протест келтириш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахсларга мурожаат қиладилар. Бугунги илмий анжуманда хорижий олимларнинг маърузаларидан маълум бўлдики, баъзи ривожланган мамлакатларда бундай тартиб мавжуд эмас ёки чекланган даражада амал қилади.

Мен хорижий давлатлар суд тизимини танқидий баҳолашдан йироқман. Бироқ, мамлакатимизда белгиланган суд назорати тизими қатор афзалликларга эга, деб ҳисоблайман. Агарда, назорат тартибида суд қарорларини қайта кўриш тартиби бўлмаса, суд хатоларидан кишиларни азият чекиш даражасини кўпайтиради. Бу эса ижтимоий адолат тамойилларига зиддир. Юртбошимизнинг **"Инсон ҳамма нарсага чидаши мумкин, бироқ адолатсизликка чидай олмайди"**, деган кўрсатмаси суд-ҳуқуқ ислоҳотлари, одил судловни ташкил этиш соҳасида қонунларни ривожлантириш истиқболи учун дастуриламал бўлиши лозим.

**Омонбой ОҚЮЛОВ, юридик фанлар доктори, профессор:**

— Одил судлов орқали нафақат суд ҳимояси, балки жамиятда қонунийлик ва адолат барқарорлиги таъминланади. Илмий-назарий жиҳатдан олганда, суд қарорларини барқарорлиги билан жамиятда адолат ва қонунийликни таъминлаш тизими ўртасида муайян уйғунлик бўлиши талаб этилади. Бундай уйғунлик суд назорати орқали амалга оширилади. Суд назорати тартибида биринчи, апелляция ва кассация инстанцияларида йўл қўйилган хатолар тузатилади. Суд назорати самарадорлигини ошириш учун унинг процессуал ҳуқуқий асослари билан бирга муайян ташкилий-ҳуқуқий механизм ҳам жорий этилаётганини қайд этиш лозим. Жумладан, суд қарорларини 2013 йил 1 июндан бошлаб интернет тармоғида эълон қилиниши, судьялар корпусини шакллантиришда фуқаролик жамияти институти тузилмаларини ва жамоатчиликни кенг иштирокини таъминланиши худди шундай омиллардан бўлади, деб айтиш мумкин.

Мамлакатимизда суд назорати самарадорлигини илмий ўрганиш нафақат ҳуқуқшунос олимлар, социологлар, руҳшунослар учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бинобарин, келгусида бундай соҳадаги илмий тадқиқотлар хорижий мутахассислар ва бошқа турли соҳа мутахассислари билан биргаликда комплекс равишда амалга оширилиши мақсадга мувофиқ бўлур эди.

**Худойқул АЗИЗОВ, юридик фанлар номзоди, доцент:**

— 2008 йил 29 сентябрда ХПКга киритилган ўзгартишга мувофиқ, назорат тартибида протест келтириш тўғрисидаги ариза бериш ҳуқуқига эга бўлган шахслар доираси белгиланди. Шу билан бирга суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга киргандан кейин уч йил ўтгандан сўнг берилган назорат тартибидаги аризалар кўриб чиқилмаслиги белгиланди. Илгари бундай муддат кўрсатилмаган эди.

Назорат тартибида иш юритиш бўйича ривожланган давлатлар қонунчилигида турли процессуал тартиблар белгиланган. Жумладан, Германия, Франция ва бошқа давлатларда соддалаштирилган тартиб, МДҲ давлатлари ичида Россия Федерацияси, Белорусь Республикаси, Қозоғистонда назорат тартибида иш юритишнинг процессуал тартиби кенгроқ белгилаб берилган. Масалан, ариза ёки протестни қабул қилиш, иш қўзғаш, ишни кўриб чиқиш учун Раёсат ёки Пленумга масала киритиш ва бошқа процессуал тартиблар кўрсатилган.

Назорат тартибида суд ҳужжатларини қайта кўриш бўйича хорижий давлатлар қонунчилик тажрибасини ва амалиётини қиёсий ўрганиш, ушбу соҳада илмий тадқиқот ишларини олиб бориш ва назария билан амалиётни узвий боғлаш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини, эришаётган ютуқларимизни, ўзбек тажрибасини хорижий давлатлар томонидан катта қизиқиш билан ўрганилаётганлигидан ҳам билиш мумкин.

**Бунёд ИБРАГИМОВ, Нагоя Университети докторанти:**

— Японияда алоҳида иқтисодий низоларни кўрувчи хўжалик судлари ва процессуал қонунчилиги мавжуд эмас. Япония процессуал қонунчилигида эса суд тизимидаги ишлар фақат 3 та инстанцияда одил судлов ҳуқуқидан фойдаланиши таъминланади. Шунингдек, иккинчи инстанция суд қарори қабул қилингандан кейин қарор тўғридан-тўғри қонуний кучга кирмасдан, тарафларга учинчи ва охирги юқори инстанцияга шикоят қилиш мумкин. Олий инстанция охирги инстанция бўлиб, ушбу қарор устидан шикоят қилиш мумкин эмас.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикасида 3 та инстанция судида ва назорат тартибида одил судлов ҳуқуқидан фойдаланиш кафолатланган ва бу тортишувчанлик тамойилига асосланган. Шунингдек, ноқонуний ва асоссиз қарорларни бартараф қилиш мақсадида суд ҳужжатлари қонуний кучга кирган бўлишига қарамасдан, қайта кўриб чиқиш орқали фуқаролар ҳуқуқларини муҳофаза этишнинг самарали тизими ишлаб чиқилган.

**Сугиура КАЗУТАКА, Нагоя Университети ҳуқуқшунослик факультети профессори:**

— Бугун иккинчи кун Тошкент давлат юридик институтида бўлиб ўтаётган ушбу давра суҳбатида иштирок этаётганимдан бағоятда хурсандман. Бугун Ўзбекистон Республикасида Япониянинг суд маслаҳатчилари тизими, судларда кўрилган ишларда йўл қўйилган асосий камчиликлар ва ютуқлар хусусидаги маърузам билан иштирок этдим. Ушбу мавзу дорасида Ўзбекистонда таҳсинга сазовор ишлар қилинганлиги мени қувонтирди. Ўзбекистон Республикасида судьялар корпусини шакллантириш бўйича қилинаётган қатор ижобий чора-тадбирлар таҳсинга сазовордир.

Ўзбекистон Республикаси жиноят процессуал қонунчилигида судларнинг иш юритишдаги мустақиллиги, суд қарорларининг юқори судлар томонидан текширилиши каби масалалар мени қизиқтириб келарди. Бугун мен буларнинг кўпчилигига жавоб олдим.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар масалаларини тадқиқ қилишда амалиёт ходимлари ва илм масканларининг муштарак ҳамкорликда ҳаракат қилиши бундай хайрли тадбирларнинг амалиётда таъминланишига ишонаман.

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари дунё ҳамжамиятида кенг муҳокама қилиниб, ижобий фикрлар келтириб ўтилмоқда. Бундай тадбирларни ташкил этиб, бизларни илиқ кутиб олган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига, яқин ҳамкоримиз Тошкент давлат юридик институтига, қолаверса, тадбирни ташкил қилишда бевосита иштирок этган барча кафедраларга ўз миннатдорчилигимни билдирамиз. Японияда ҳам ташкил этиладиган шундай тадбирларда Сизларни кутамиз.

* * *

***Ўтказилган тадбир сўнггида хулоса қилиб шуни айтиб ўтиш керакки, Ўзбекистон ва Япония ўртасида давом этаётган ҳамкорликни янада кучайтириш, таълим муассасалари ўртасида халқаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, фуқаролик, хўжалик, жиноят процессуал ҳуқуқи соҳалари бўйича долзарб процессуал институтларни такомиллаштириш, жумладан, суд қарорларини қайта текшириш институтларини такомиллаштириш, фуқаролик, хўжалик, жиноят ишлари бўйича чиқарилган суд қарорларини назорат тартибида қайта кўришда суднинг ваколатлари, прокурорлар томонидан назорат тартибида протест келтириш амалиётини ўрганиш бугунги кунда муҳим аҳамият касб этмоқда.***

***Ўзбекистон ва Япония давлатлари процессуал қонунчилигини қиёсий таҳлил қилиш ва шу асосда тегишли таклифлар ишлаб чиқиш, бу соҳада кенг қамровли илмий тадқиқотлар олиб бориш, субъектларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш механизмини халқаро стандартларга мослигини яна бир карра эътироф этиш, бундан ташқари талабаларга билим беришда назария ва амалиёт бирлигини таъминлаш, юксак билимли ва салоҳиятли ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлаш вазифаларини астойдил бажаришга кўмаклашишдан иборат бўлади.***

**(Ўз мухбиримиз)**

Тизим тадбири

# Тадбиркорлик фаолиятидаги имтиёзлар

**САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ** адлия бошқармаси томонидан **"Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида"**ги Қонун ижросига бағишланган семинар ўтказилди.

Тадбирда вилоят Иқтисодиёт, Молия, Давлат солиқ, Божхона, Марказий банк, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва Савдо вазирлиги вилоят бошқармалари, назорат қилувчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вакиллари ҳамда тадбиркорлар, сармоядорлар иштирок этишди.

Унда тадбиркорлик субъектлари, хорижий инвестициялар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ҳуқуқий ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар ва галдаги вазифалар атрофлича муҳокама этилди.

Сўзга чиққанлар, қабул қилинган Қонун ва фармонларда кўзда тутилган имтиёзлар хусусида атрофлича сўз юритиб, тадбиркор ва сармоядорлар учун дастуриламал мазкур ҳужжатлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, хорижий инвестицияларни иқтисодиётнинг реал тармоқларига жалб этишда янги даврни бошлаб берганлиги қайд этилди.

Семинар сўнгида иштирокчилар соҳани ҳуқуқий жиҳатдан рағбатлантириш борасидаги имтиёзлар ва кафолатлар юзасидан ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислар томонидан атрофлича жавоб олдилар.

**Адлия вазирлиги Ахборот хизмати**

Фаолият

# Суд қарори

## ижро этилиши таъминланди

РЕСПУБЛИКА Суд департаменти томонидан суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ўз вақтида, тўғри ва тўлиқ ижро этилишини таъминлаш борасида доимий равишда ташкилий-назорат чора-тадбирлари қўлланилмоқда.

Жумладан, суд ижрочилари иш юритувидаги алимент ундириш, давлат фойдасига ундирувлар ва коммунал қарздорликларни ундириш тўғрисидаги ижро ишлари юритилиши ҳамда фуқароларнинг мурожаатлари доимий назоратга олинган.

Ҳозирги кунда ижро ҳужжатлари талабларини ихтиёрий муддатда бажармаган қарздор жисмоний шахсларга нисбатан уларнинг Республика ҳудудидан четга чиқиш ҳуқуқини вақтинча чеклаш чораси амалиётга кенг жорий этилганлиги ижро ҳужжатларининг ижро этилишига самарали таъсир кўрсатмоқда.

Мисол учун, фуқаролик ишлари бўйича Миробод туманлараро судининг ижро ҳужжатига асосан қарздор Р.Разиковдан ундирувчи Д.Разикова фойдасига вояга етмаган фарзанди таъминоти учун алимент ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжати бўйича қарздор алимент қарзини ихтиёрий равишда тўламаганлиги сабабли Р.Разиковнинг Ўзбекистон Республикасидан четга чиқиш ҳуқуқи чекланган. Жорий йилнинг февраль ойида қарздор Д.Разиков четга чиқиб кетиш чоғида чегара ходимлари томонидан ушлаб қолинган. Натижада, Д.Разикова фойдасига алимент қарзи тўлиқ ундирилиши таъминланди. Бу каби ҳолатлар жуда кўплаб учрамоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2012 йил 5 декабрдаги **"Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"**ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Республика Суд департаменти директорининг буйруғи асосида ҳудудий бошқармаларда ишчи гуруҳлари ташкил қилинди. Мазкур ишчи гуруҳлар зиммасига суд ижрочилари иш юритувидаги жиноий жазо тариқасида тайинланган жарималарни ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжатлари бўйича амнистия акти таъсири доирасига тушувчи қарздорларга амнистия актини қисқа муддатларда қўллаш мақсадида тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилиб, прокуратура органларига ўз вақтида тақдим этиш мажбурияти юкланди.

Жорий йилнинг 20 февраль ҳолатига кўра, республика бўйича 21 миллиард 190 миллион сўмлик жиноий жарималарни ундириш бўйича 3167 та қарздор жисмоний шахсларга нисбатан амнистия актини қўллаш тўғрисида тақдимномалар киритилиши таъминланди. Бу эса давлатимиз томонидан уларга кўрсатилаётган инсонпарварлик тамойилининг бир кўриниши, десак муболаға бўлмайди.

Хулоса сифатида шуни айтишимиз мумкинки, суд қарорларининг сўзсиз ижро этилишини таъминлаш суд ижрочилари зиммасидаги шарафли масъулият бўлиб, ижро иши юритишда тарафларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш устувор вазифамиз бўлиб қолмоқда.

**Сирожиддин АҲМЕДОВ, Республика Суд департаменти масъул ходими**

Малака комиссиясининг 2012 йил 7 майдаги 4-сонли қарори ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 2012 йил 14 майдаги №87-ш/т-А-сонли буйруғига асосан Тошкент шаҳридаги "S YAKUBOV VA ADVOKATLAR" адвокатлар ҳайъати адвокати Мусалимов Шамиль Вакировичга 2009 йил 1 июнда берилган TN №000139 рақамли лицензиясининг ва 2011 йил 25 мартда берилган 1793-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши ҳамда адвокатлик мақоми тугатилди.

Қашқадарё вилояти адлия бошқармасининг 2013 йил 20 февралдаги 24-ум-сонли буйруғига асосан Қарши шаҳар "Насаф мадад маслаҳатчиси" адвокатлар ҳайъати адвокати Камалов Абдурахим Алимовичга нисбатан Сурхондарё вилояти прокуратураси томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 165-моддаси, 2-қисми? "б", "в" бандлари билан айблов эълон қилинганлиги сабабли, "Адвокатура тўғрисида"ги Қонуннинг 15-моддасига асосан адлия бошқармаси томонидан А.А.Камаловга 2010 йил 18 августда берилган KS 000126 серияли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг амал қилиши суд ҳукми қонуний кучга киргунига қадар ёхуд реабилитация қилувчи асосларга биноан уни жиноий жавобгарликдан озод этиш тўғрисида қарор қабул қилингунига қадар тўхтатилди.

Қашқадарё вилояти адлия бошқармасининг 2013 йил 18 февралдаги 20-ум-сонли буйруғига асосан Қарши шаҳридаги "Насаф ҳуқуқ маслаҳатчиси" адвокатлар ҳайъати аъзолигидан чиққанлиги сабабли адвокат Ярбазаров Хайрулла Бутаевичга Қашқадарё вилояти адлия бошқармаси томонидан 2009 йил 19 июнда берилган KS 000010-серияли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияси адвокат томонидан уч ойдан ошмайдиган муддатда амалга ошириладиган бошқа адвокатлик тузилмаси ташкил этгунига қадар ёхуд мавжуд адвокатлик тузилмаларидан бирига киргунига қадар бўлган даврга тўхтатилди.

Сурхондарё вилояти адлия бошқармасининг 2013 йил 8 февралдаги 11-ум-сонли буйруғига асосан "Сурхон Баркамол Имкон" адвокатлик ҳайъати адвокати Джанаев Сайдулла Кулкараевичнинг 2010 йил 15 сентябрда вилоят адлия бошқармаси томонидан берилган SU 000117-сонли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши ва адвокатлик мақоми тўхтатилди.

Сурхондарё вилояти адлия бошқармасининг 2013 йил 8 февралдаги 11-ум-сонли буйруғига асосан "Сурхон ҳақиқат маскани" адвокатлар ҳайъати адвокати Поянова Анорхол Тошматовнага 2009 йил 16 июль куни вилоят адлия бошқармаси томонидан берилган SU 000070-сонли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиш муддати ва адвокатлик мақоми тўхтатилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2013 йил 14 февралдаги 26-ум-сонли буйруғига асосан Қорақалпоғистон Республикаси "Nizam ustinligi" адвокатлар ҳайъати адвокати Абдалиев Алексей Рафиковичнинг адвокатлик мақоми тугатилди.

Депутат минбари

# Фарзандликка олиш

## суд қарори билан амалга ошириладиди

МАЪЛУМКИ, мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ оилаларни мустаҳкамлаш, биринчи навбатда, эҳтиёжманд оилаларнинг муаммоларини ҳал этишда давлат ва жамият томонидан ғамхўрликни янада кучайтириш, уларга моддий ёрдам кўрсатиш ва фарзандларни тарбиялашда ижтимоий қўллаб-қувватлаш, муносиб ижтимоий-маиший шароитлар яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада фарзандликка олиш, унинг тарбияси, келажак тақдири, баркамол инсон бўлиб вояга етиши йўлида ғамхўрлик қилиш каби жиҳатлар муҳим ўрин тутган. Жумладан, Юртбошимиз ўзининг **"Юксак маънавият — енгилмас куч"** номли асарида **"... эзгу одатимизга айланиб кетган меҳр-оқибат тушунчасини оладиган бўлсак, унинг жуда теран тарихий, миллий, диний илдизлари борлигини кўриш мумкин. Бу, аввало, инсоннинг инсон билан, қўшнининг қўшни билан, қариндошнинг қариндош, оиланинг оила билан, энг муҳими, шахснинг жамият билан уйғун бўлиб яшашини, етим-есир, бева-бечора ва ногиронларга, мусофирларга саховат кўрсатиш, сидқидилдан, беғараз ёрдам беришни англатади ва бундай хусусият халқимизнинг маънавий оламига сингиб кетганини ҳеч ким инкор эта олмайди"**, деб таъкидлайдилар.

Бугунги кунда оила, фарзанд тарбияси, фарзандликка олиш ва у билан боғлиқ қонунчилик янада мустаҳкамланмоқда.

Шу жиҳатдан, яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг ялпи мажлисида муҳокама этилган мазкур қонун лойиҳаси жамият учун муҳим аҳамият касб этиши билан аҳамиятлидир. Маълумки, боланинг келажаги унинг қандай оилада камол топишига боғлиқ. Болага ота-она танлашда, уни оилага (фарзандликка олиш, васийлик, ҳомийлик белгилаш ёки тутинган оила) тарбияга беришда, унинг келажак ҳаётини белгилашда хатога йўл қўйиш салбий оқибатларга олиб келади. Шу боисдан ҳам Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 64-моддасида давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлаши кафолатланган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 7 январдаги **"Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"**ги Қонунида бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг асосий йўналиши эканлиги кўрсатиб ўтилган. Хусусан, боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, унинг ҳаёти ва соғлигини муҳофаза қилиш, бола ҳуқуқлари кафолатларининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш ва бошқа асосий йўналишлар сифатида белгиланган.

Фарзандликка олиш — оила қонунчилигининг муҳим масалаларидан бири бўлган мураккаб ҳуқуқий институтдир. Бугунги кунда фарзандликка олиш билан боғлиқ масалалар Оила кодекси ва Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрелдаги қарори билан тасдиқланган **"Вояга етмаган болаларни фарзандликка ва болаларни оилага тарбияга олиш (патронат) тўғрисида"**ги Низом асосида тартибга солинмоқда. Ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга кўра, фарзандликка олиш болани фарзандликка олишни хоҳлаган шахслар аризасига ва васийлик ҳамда ҳомийлик органлари тавсиясига кўра туман, шаҳар ҳокими қарори билан амалга оширилган.

Эндиликда бу тартиб-қоидалар тамомила янгиланиб, фарзандликка олиш бўйича ишларни кўриб чиқиш ваколатларини судларга бериш таклиф этилмоқда. Шунингдек, лойиҳада болалар тарбия муассасасига жойлаштирилган боланинг ота-онасидан суд томонидан ундирилган алимент мазкур боланинг номига очилган банк ҳисоб варағида жамланиши ва унга вояга етганда тўланиш тартиби назарда тутилган. Бу билан болалар тарбия муассасасини тамомлаган вояга етган битирувчининг янги ҳаётини бошлаши учун маълум миқдордаги шахсий маблағларга эга бўлиш имконияти яратилади.

Халқаро тажриба ҳам шуни кўрсатдики, кўпгина давлатларда фарзандликка олиш фақат суд тартибида амалга оширилади. Хусусан, АҚШ, Германия, Буюк Британия, МДҲ давлатларининг аксариятида мазкур масалалар суднинг қарори асосида тартибга солинади.

Таклиф этилаётган янгилик болалар ва фарзандликка олувчиларнинг ҳуқуқларини суд томонидан ҳимоя қилинишини, фарзандликка олишнинг сир сақланишига риоя этилиши ва қонун ҳужжатлари бузилишининг олди олинишини таъминлайди. Шу билан бирга, Фуқаролик процессуал кодекси ва Оила кодексига киритилаётган юқоридаги ўзгартиш ва қўшимчалар миллий анъаналар ҳамда замон талабларини ҳисобга олган ҳолда оила институтини янада такомиллаштириш ва ривожлантиришга қаратилган ҳамда вояга етмаганларнинг ҳимоясини келгусида янада кучайтиришга хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, оилапарварлик халқимиз қон-қонига сингиб кетган фазилатлардан биридир. Юксак ахлоқ мезонлари асосида қаралган фарзандга меҳр-муҳаббат қўйиш, уни миллат руҳида тарбиялаш, одоб-ахлоқ, юксак маънавиятли қилиб вояга етказиш каби тамойиллар биз учун доимо муҳим аҳамият касб этиб келган. Зеро, 2013 йилнинг "Обод турмуш йили" деб номланиши ҳам жамиятимизда оила билан боғлиқ маънавий-ахлоқий қадриятларни янада улуғлаб, эзгу мақсадни кўзлайди. Бу тотувлик, ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаб, пировардида, жамият фаровонлигини ошириб, мамлакат қудратини юксалтиради.

**Олим ЎСАРОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати**

2013 йил — "Обод турмуш йили"

# Юрт ободлиги – жамият фаровонлиги

## Бу борада хотин-қизларнинг ҳам алоҳида ўрни бор

**БУГУНГИ КУНДА аёлларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, сиёсий фаоллигини ошириш, касбий, маънавий ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом оилани шакллантириш ва баркамол авлод таълим-тарбияси борасидаги ислоҳотлар босқичма-босқич изчил давом этмоқда.**



АЙНИҚСА, хотин-қизларнинг жамиятдаги фаоллигини янада ошириш, имкониятларини янада кенгайтириш ҳамда юртимиз ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-маданий ҳаётидаги ўрнини мустаҳкамлаш мақсадида Юртбошимизнинг 2004 йил 25 майдаги **"Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"**ги Фармони аёлларнинг маънавий ва интеллектуал салоҳиятини оширишда муҳим босқични бошлаб берди.

Президентимиз томонидан "Обод турмуш йили" Давлат дастурининг асосий йўналишларидан бири **ҳаётимизни янада соғлом ва обод қилиш, аввало, аёл зотининг жамиятимиздаги ўрни ва нуфузини, ижтимоий фаоллигини янада ошириш, хотин-қизларнинг турли жабҳа ва йўналишларда қилаётган ишларини муносиб баҳолаш, ҳар қайси хонадонда уй бекаси бўлмиш опа-сингилларимизнинг оғирини енгил қилиш асносида турмушимизни фаровон этиш билан узвий ва чамбарчас боғлиқ** эканлиги алоҳида қайд этилган.

Дарҳақиқат, ҳаётимизни обод қилиш, жамиятимиз тараққиётини таъминлаш, фарзандлар камолини юксалтириш, бир сўз билан айтганда, олдимизга қўйилган буюк мақсадларга эришишда ҳамиша биз аёлларнинг тутган ўрнимиз беқиёс аҳамиятга эгадир. Зеро, аёлларнинг ўзигагина хос бетакрор фазилатлари ҳам мана шу эзгу тамойилларда мужассам топган.

Чунончи, мамлакатимизда хотин-қизларнинг меҳнат ва турмуш шароитини яхшилаш, оилаларни мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш борасида олиб борилаётган изчил сиёсат самараси жамиятимизда аёлнинг шаъни, қадр-қиммати юксак даражага кўтарилишига замин яратди.

Шунингдек, Асосий қонунимизда таъминланган тенглик баъзи бир ижтимоий, маиший муаммоларнинг бартараф этилишига, ҳуқуқий-сиёсий маданиятнинг юксалишига имкон туғдирди. Аёллар учун янги иш ўринлари яратиш, уларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш, ижтимоий хизмат кўрсатишни кучайтириш борасида ҳам муҳим ишлар амалга оширилди.

2012 йилдаги "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурида ҳам шаҳару қишлоқларда неча минглаб аёлларнинг уй шароитида иш билан таъминланишига, уларнинг саломатлигини ҳимоялаш, оилаларнинг фаровонлиги ва мустаҳкамлигини юксалтиришга асос бўлди. Бу жараён ушбу йил ҳам изчил давом этади.

Маълумки, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ишлаб чиқилган "Соғлом она — соғлом бола" дастури бугун умуммиллий ҳаракатга айланди. Бир қатор нуфузли халқаро институтларнинг эътироф этишича, Ўзбекистон дунёнинг 125 давлати орасида хотин-қизлар учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва оналикни муҳофаза қилиш борасида етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турибди.

Бу борадаги эзгу фаолиятнинг узвий бир бўлаги сифатида Президентимизнинг 2009 йил 1 июлдаги **"2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"**ги Қарори ижросини таъминлаш ва кенг аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш барча давлат органлари ва жамият ташкилотларининг, шу жумладан, адлия тизими фаолиятининг ажралмас қисмидир. Хусусан, Нотариат ва ФҲДЁ бўлими ходимлари томонидан мунтазам равишда "Соғлом она — соғлом бола", "Яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳ — ирсий касалликлар ўчоғи", "Тиббий кўрикнинг аҳамияти", "Балоғатга етмаган қизларни турмушга беришнинг аянчли оқибатлари", "Тадбиркор аёл — элга мададкор" каби мавзуларда турли тадбирлар олиб борилмоқда.

Маълумки, ўз ҳуқуқини билган аёл ҳар қандай ҳолатда ҳам оиласини, ўзини ва манфаатларини, пировардида оиласи, фарзандлари, элу юртини ҳимоя қилишга қодир бўлади.

**Феруза ҲИДОЯТОВА, Шайхонтоҳур тумани 2-сонли давлат нотариал идораси нотариуси**

Талқин

# Конституция

## бахтимиз ва эркинлигимиз тимсоли

**ДАВЛАТИМИЗ ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини кафолатловчи Конституциямизнинг ўзига хослиги шундаки, унда халқимиз, миллатимиз шаъни улуғланган, тинчликни сақлаш, барқарор тараққиётимизни давом эттириш, ҳудудий этник, маданий яхлитлигимиз, бир бутунлигимиз ва дахлсизлигимизни, бир сўз билан айтганда, миллий хавфсизлигимизни таъминлаш асосий мақсад қилиб белгиланган.**

АСОСИЙ қонунимиз миллий давлатни барпо этиш ва ташкил этишнинг юридик асоси бўлиб, халқимизнинг интилишлари, фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчларини, янги иқтисодий муносабатларни, шахс ва мустақил давлат муносабатини ва давлатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг тартибини белгилаб берувчи қимматли ҳужжатдир.

Конституция давлатнинг эмас, балки инсон манфаатини биринчи ўринга қўяди. Унда, энг аввало, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият деб эълон қилинганлиги ҳам бежиз эмас.

Мазмун-моҳиятига кўра, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган Асосий қонунимизнинг 13-моддасида Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланиши, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият сифатида эътироф этилган. Мамлакатимизда ушбу йўналишда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари мазкур тамойилнинг ҳаётимизда амалий ифодасини топиб, кенг самара бераётганини нафақат халқимиз, балки бутун дунё ҳамжамияти эътироф этмоқда. Айниқса, инсонпарварлик ва одилликнинг намунаси бўлган жиноий жазо тизимида ўлим жазосининг бекор қилиниши юқоридаги фикрларнинг ёрқин намунасидир.

**Сардор ЎРАЗБОЕВ, Тошкент шаҳар транспорт прокуратураси терговчиси**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қуйидаги нотариус лавозимларига
ТАНЛОВ ЎТКАЗИШНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

**Жиззах вилояти**
Жиззах шаҳар 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
**Навоий вилояти**
Томди туман давлат нотариал идорасида 1 нафар

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қуйидаги нотариус лавозимларига
ТАНЛОВ ЎТКАЗИШНИ ҚАЙТА ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

**Андижон вилояти**
Хонобод шаҳар давлат нотариал идорасида 1 нафар
**Бухоро вилояти**
Бухоро туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
**Жиззах вилояти**
Дўстлик туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
**Қашқадарё вилояти**
Қарши шаҳар 4-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Косон туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
**Сурхондарё вилояти**
Қизириқ туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
**Фарғона вилояти**
Риштон туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
**Тошкент вилояти**
Олмалиқ шаҳар 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Бекобод шаҳар давлат нотариал идорасида 1 нафар
Чиноз туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
**Тошкент шаҳри**
Учтепа туман 8-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

**Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:**

*1. Комиссия номига ариза;*
*2. Паспорт нусхаси;*
*3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;*
*4. Меҳнат дафтарчасининг нотариал ёки иш жойида тасдиқланган нусхаси;*
*5. Талабгорнинг малака имтиҳонини топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма (малака имтиҳонини топширган, лекин нотариус лавозимида уч йил мобайнида ишламаган талабгорлар эса малака имтиҳонини қайта топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма);*
*6. Охирги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.*

Танловда йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик мутахассислик бўйича камида уч йил муддатли иш стажига эга бўлган, шу жумладан, белгиланган тартибда стажировкани ўтаган, малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон Республикаси фуқароси иштирок этиши мумкин.

**(Ҳужжатларни тақдим этишнинг охирги санаси 2013 йил 25 март)**
**Манзил: Тошкент шаҳар, Сайилгоҳ кўчаси, 5-уй.**
**Телефонлар: (8-371) 233-44-48, 236-78-52, (ички) 183, 184, 185.**

Газетанинг 2013 йил 19 февраль 8-сонидаги эълонда "Жалақудуқ туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар" сўзлари инобатга олинмасин.

Қилмиш — қидирмиш

# Кафеда бошланган жанжал

## ишнинг судгача боришига сабаб бўлди

**СОАТ кечки 22:00 дан ошган бўлса-да, кафеда одам гавжум. Уларнинг аксарияти ёш-яланг. Қулоқни қоматга келтирар даражада янграётган мусиқа садолари остида ора-сира шўх-шодон кулгу, қийқириқлар эшитилиб қолади. Айниқса, четдаги стол атрофида ўтирган уч йигитнинг кайфияти аъло даражада. Ҳали атрофдагиларни кузатиб, бир-бирларига имлашади, ҳали нималардир, дея қотиб-қотиб кулишади.**

БИР МАҲАЛ уларнинг шундоққина ёнгинасидан бир йигит билан қиз ўтиб қолишди-ю, ўтирганлар сергак тортишди. Қиз уларнинг эътиборини тортди шекилли, улардан бири унга гап отишдан ўзини тиёлмади. Аммо қиз ҳам бўш келмади. Шартта ўгирилди-да:

— Оғзингни ёп! — дея кафедан чиқиб кетди. Бироқ ҳамроҳи чиқишга шошилмади. Улар томон ўқрайиб қаради-да, гап отган йигитнинг ёнига келди. Бу пайтда стол атрофидагилар "Комил, қалайсан боплади-ку!" деб шерикларининг устидан кулишарди.

— Менга қара, нега қизимга қўполлик қилдинг?

Комил ҳунук тиржайди. Оғайниларига бирма-бир қарар экан, — тушунмадим, менга гапираяпсанми? — деб тўнғиллади.

— Ҳа, сенга. Нима, қиз бола кўрмаганмисан? Бақрайиб қолдинг?

— Ие, сендан сўраб қарайманми?

Униси у деди, буниси бу, хуллас иккаласи жанжаллашиб қолишди. Жанжалнинг муштлашувга айланишидан хавфсираган ён-атрофдагилар уларни ажратиб қўйишгач, ҳамма ўз йўлига кетди.

Қизнинг ҳамроҳи ҳам унга етиб олиб, уйигача кузатиб қўйди. Ортига қайтар экан, йўлда аксига олгандек, кафеда гап талашиб қолган йигит билан унинг шерикларини учратиб қолди. Бу ҳол ширакайф йигитлар учун айни муддао бўлди. Яна гап ташлаш бошланди-ю, бир маҳал Комилнинг ёнидаги шериги йигитнинг оёғидан чалиб юборди. У йиқилиши билан зўравонлар уч томондан ура бошлашди. Ёлғиз йигит ўзини ҳар қанча ҳимоя қилмасин, уларга бас келолмади.

Охир-оқибат унинг 50 минг сўмлик кўзойнагини синдиришгани етмагандек, "рақиб"ининг 200 минг сўм пулини олиб қўйишди...

Тезкор ходимларнинг вақтида олиб борган саъй-ҳаракатлари натижасида шерикларини топишнинг иложи бўлмаса-да, ҳодисанинг бош "қаҳрамони" Комил Самадов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) кўп ўтмай қўлга олинди. Жабрланувчи М.Иванов гумондор шахсларнинг суратларини кўрган заҳоти, уни таниди. Шунингдек, айбланувчи ҳам И.Иванов билан жанжаллашиб қолганига иқрор бўлди.

Қилмиш — қидирмиш. Кафеда тамадди қилиб чиқиб кетаётган қизга шилқимлик қилган, устига-устак унинг ҳамроҳини уриб, тан жароҳати етказиш баробарида пулини ҳам тортиб олган Комил Самадовга суд томонидан тегишли жазо тайинланди.

**Наргиза СУЛТОНОВА, Мирзо Улуғбек тумани прокурори ёрдамчиси**

Ғаройиб тақдирлар

# ҲОФМАН — ЮРИСТ!

**"ТУПРОҚДА илдиз отиб ҳар бир қараш, ҳар бир сўзга жавоб беришдан ортиқ зерикарли иш йўқ".**
**Э.Т.А. Ҳофман "Малика Брамбилла"**



**Акмал САИДОВ,**
**Юридик фанлар доктори, профессор**

1776 йил 24 январда немисларга хос равишда Эрнст Теодор Вильгельм деб уч исм берилган бола дунёга келди. Ҳа, чиндан ҳам учинчи исм аниқ Вильгельм эди, бироқ Ҳофман ёшликдан бошлаб мусиқага шунчалик ихлос қўйдики, етук ёшида исмини ўзи сажда қиладиган Моцарт шарафига Амадей деб алмаштирди.

Аслини олганда Ҳофман бошқа соҳаларда ҳам истеъдодли эди. Унинг қабрига: "У юрист, адабиётчи, мусиқачи, рассом сифатида бирдек беназир эди", деб ёзиб қўйилгани бежиз эмас. Буларнинг барчаси ҳақиқат эди.

Бироқ барибир Ҳофман ўз юристлик касбини очиқдан-очиқ севмас эди, уни Прометей тоғига ўхшатарди, "давлат оғилхонаси", деб атарди, аммо бу масъулиятли ва виждонли давлат хизматчиси бўлишда унга халақит бермасди. Юристлик малакасини ошириш бўйича барча имтиҳонларни аълога топширади, унинг ишига ҳеч кимда эътироз йўқ эди. Бироқ Ҳофман ҳуқуқшунос лавозимида мутлақо муваффақиятсиз одимлади, бунинг сабаби, унинг жўшқин ва истеҳзоли хулқи билан боғлиқ бўлди. У баъзан ҳурматли ва эъзозли одамларга карикатура чизади, ўзининг шогирд қизларига ошиқ бўлиб қолади (Ҳофман мусиқа бўйича репетиторлик қилиб, кун кечирар эди), гоҳ ўзининг "Бургалар шоҳи" қиссасида полиция бошлиғи Кампцни маслаҳатчи Кнаррпанти сифатида мазахомуз кўринишда тасвирлайди:

"Ҳуқуқни бузувчи, агар жиноятчи фактининг ўзи аниқланган бўлса, аниқланиши мумкин эканлиги ҳақидаги кўрсатмага жавобан, содир этилган жиноят ўз-ўзидан аниқланади".

Бунга ўхшаш мазах қилишлар Ҳофман учун изсиз кетмади. Мансабдор шахсни ҳақорат қилганлиги учун унга қарши суд иши қўзғатилди. Фақат соғлиғининг оғирлигигина ёзувчини судга тортиш имконини бермади (Ҳофман бу вақтга келиб амалда шол бўлиб қолган эди).

Ҳофман жаҳон бадиий адабиёти тарихида ҳақли равишда энг сирли ва англаб бўлмас ёзувчилардан бири ҳисобланади. Унинг асарлари вақт ўтган сари асло сўнмайдиган, мутлақо алоҳида жозибадор кучга эгадир. Кейинги вақтларда бутун дунёда кузатилаётган унинг ижодига бўлган қизиқишнинг янги тўлқини бунинг далилидир. Шу муносабат билан Ҳофман бадиий фантазияларининг моҳиятига кириб бориш, уни ўз давридан илгарилаб кетган ажойиб ёзувчи сифатидагина эмас, балки ҳар томонлама истеъдодли бўлганини кўрсатиш жуда муҳимдир. Ҳофман ўз асарларида жаҳонга таниқли австриялик психиатр олим Зигмунд Фрейднинг психоанализ соҳасидаги кашфиётларини нимаси биландир бошқалардан олдин сезди.

Жуда таниқли бўлган шахс ҳақида мақола ёзишга киришганда бирор-бир кашфиёт қилишга, янги бир сўз айтишга умид қилиш қийин, — гўёки у ҳақда яна нима дейиш мумкин?

Ҳофманнинг "буюклиги" ҳамма вақт ва барча томонидан эътироф этилавермагани яхши маълум. Унга Германияда, айнан ўз Ватанида (кимсан Гётедан) ўз ижоди тўғрисида энг юз-хотирсиз фикрларни эшитишга тўғри келгани аянчли парадокс бўлиб туюлиши мумкин, унинг асарлари альманахлар ва кўп тиражли чўнтак нашрлар саҳифаларини тўлдириб, қисқа вақт машҳур бўлиб, жуда тезликда унутилишга маҳкум этилди. Балки, Ҳофман "Кавалер Глюк" ва "Олтин тувакча" билан биргаликда ўзини ҳурмат қиладиган бирор ёзувчи ўз асарлар тўпламига киритмайдиган жуда кўплаб нарсаларни эълон қилганлиги бунга сабаб бўлгандир, бунинг оқибатида "жиддий" танқид унинг ижодига эътибор беришни лозим эмас, деб билди.

Бир неча ўн йиллардан кейин романтизм даврига қизиқиш тикланиши билан биргаликда Ҳофман ҳам унутилганлар "олами"дан қайтди, бироқ барибир Ҳофман "биринчи қатордаги" ёзувчи бўла олмади. Тўғри, Ватанидан ташқарида, айниқса, Франция ва Россияда унинг ижодига бўлган қизиқиш ҳеч қачон сўнмаганлиги унга кичик далда бўлиши мумкин, холос.

Россияда Ҳофманнинг асарлари XIX асрнинг 20-йилларидаёқ машҳур эди. Ўша даврда рус тилида унинг асарларининг дастлабки таржималари пайдо бўлди. Ф.М.Достоевский ёшлик чоғларида Ҳофманнинг барча асарларини ҳам немис тилида, ҳам рус тилидаги таржималарида ўқиб чиқади. А.Белинский Ҳофманни "буюк немис шоирларидан бири, ички олам рассоми", деб атайди. "Қарсилдоқ қўнғиз ва сичқон қирол" П.И.Чайковскийни "Қарсилдоқ қўнғиз" балетини яратишга илҳомлантиради.

Бу ёзувчи Ҳофманга тегишли гап. Бироқ Ҳофман ёзувчилик билан чекланмаганлиги, санъатнинг бошқа турларига — хусусан мусиқа ва рассомликка ҳурмат билан муносабатда бўлганлиги яхши маълум. Гарчи у ушбу соҳаларда адабиётдагига қараганда камроқ ишлар қилишга улгурган бўлса ҳам, улар "Ҳофман феномени" термини билан таърифлаш мумкин бўлганларнинг ажралмас қисмилигича қолади.

Ҳофман феномен сифатида ноёбдир, уни талқин қилиш қийин ва у таркибий унсурларга ажратилиши мумкин эмас, чунки, айтайлик, ўрганиш ва тушунтириш мақсадида уриниб кўрилган бундай ажратиш ҳафсалани пир қилиши мумкин холос, чунки феномен йўқолади ва унинг ўрнига ҳеч бир нарсаси билан ажралиб турмайдиган карикатурачи-рассом, юқори чўққига эришган амалиётчи юрист, композитор, ўртамиёна дирижёр, оддий ижрочи ва беллетрист намоён бўлади. У санъатнинг ушбу соҳаларининг ҳеч бирида ўзи сажда қилган Моцарт мусиқада эгаллаган мавқелардан ҳеч бирига етишмади. У бир умр Моцартга интилди, бироқ ундан фақат чўқинтирилганда олинган Вильгельм исмини Амадейга алмаштиришга муваффақ бўлди.

Бироқ барибир мусиқа Ҳофманнинг ҳаёти ва ижодида мутлақо алоҳида ўрин тутди. У профессионал мусиқачи ва композитор бўлишни орзу қилиб, болалигидан бошлаб мусиқа билан қизиқиб шуғулланди. Бунинг учун ундаги истеъдод нишоналари ёмон эмас эди... Ҳофман кўпроқ қатъият кўрсатганида ва сабр-бардошли бўлганида жуда улуғ бўлмаса-да, ҳар ҳолда икки юз йилдан кейин уни эслашларига арзирли дирижёр бўлиши мумкин эди, деб ҳисобловчилар ушбу фикрни ёқлайдилар.

Ҳофман ўсмирлигидан бошлаб ўлимига қадар мусиқани ўзи мойил қўйган санъат тури, деб билди. Мусиқа унинг учун мўъжиза, санъатларнинг энг романтиги эди.



Эрнст Теодор Амадей Гофман

"Мусиқа ёза бошлаганимдан буён мен барча ташвишларни, бутун дунёни унутаман. Товушлардан менинг хонамга кириб келадиган, бармоқларимдан тараладиган дунёни унинг ташқарисидаги ҳеч нима билан таққослаб бўлмайди", — деб ёзади Ҳофман.

Ҳофманни адабиёт шон-шарафга буркади ва абадийлаштирди, бироқ у дастлаб мусиқачи ва мусиқа танқидчиси сифатида танилди. Унинг энг яхши адабий асарларидан бири "Кавалер Глюк" XIX аср боши Берлин мусиқали ҳаётига тақриз сифатида газетада эълон қилинганлиги эътиборлидир. Кейинчалик ҳам мусиқа Ҳофман адабий асарларига мавзу ва мотив бўлиб хизмат қилди ҳамда унинг адабий ижодига ундовчи туртки берди.

Ҳофман ёши бир жойга етганда ва санъатда эришганига қониқмаслик туйғусини бошидан кечирганда унга абадий шуҳрат келтириши мумкин бўлган "буюк ижод" ("ориз тадпит") яратишни орзу қилди. У "Ундина" операси мана шундай "асар" бўлишидан умид қилди.

Ҳофман адабиётга мутлақо бошқача қарар эди: "Шайтоннинг эликсири" романини ёзишга киришар экан, ушбу асар уни моддий жиҳатдан таъминлашини, молиявий жиҳатдан унга "ҳаёт эликсири" бўлишини орзу қилди.

"Давр фонидаги портрет" деган ибора доимо ишлатиладиган иборага айланди, бироқ биографик асар, ҳатто кичик бир мақола ёзишга киришаётганнинг барчасига ҳам ўз қаҳрамонининг давр воқеалари билан алоқасини кўрсатиш насиб қилавермайди. Ҳофманнинг бутун ижоди (нафақат адабиёт ва юридик касб, балки мусиқа ва рассомлик) ўша давр воқеалари билан бевосита боғлиқ эди.

Юриспруденция ва сиёсат, психология ва психиатрия, тиббиёт ва педагогика, уйқу назарияси ва ҳайвонот магнетизми, механик автоматлар ва электр назарияси — ҳеч бири Ҳофманни четлаб ўтмади. Ўша вақтларда магнетизмга ёппасига қизиқиш Ҳофманнинг фақат "Сеҳргўй" ҳикоясида эмас, балки кўплаб асарларида ўз изини қолдирди. Бундан чуқурроқ хулоса чиқариш мумкин, хусусан сеҳргўй — адабий персонаж билан реал тарихий шахс — Наполеон ўртасида мувозий ўтказиш мумкин.

Бу қайсидир даражада Ҳофманнинг ўша даврлар Европасининг асосий сиёсий арбобларидан бирига мистик муносабати унинг сиёсий қарашлари тўғрисида қизиқиш уйғотади. Аён бўладики, Ҳофман сиёсатга умуман қизиқмаган экан. Ҳофманнинг сиёсатни қабул қила олмаслиги ёш пайтларидан бошлаб газеталарни ўқимаслигига ва сиёсий мавзулардаги суҳбатларда иштирок этмаслигигача сабаб бўлган. Сиёсатга тутқич бермаган ҳолда принципиал жиҳатдан сиёсатдан холи бўлган одам Ҳофманни қувиб етади, баъзан унинг ҳаётини дўзахга айлантиради.

Жумладан, Ҳофман ўз хоҳишидан ташқари "демагогларни таъқиб қилиш" деб ном олган сиёсий компанияга қўшилиб қолади, бироқ у олий ҳокимиятнинг қўлида беихтиёр қурол бўлиб қолишни истамади. У фақат ўз виждонига қулоқ солиб, ички эътиқоди ва ҳуқуқий онгига амал қилди. Шу боис бошлиқлар уни хуш кўришмасди.

**(Давоми бор.)**

Самарқанд вилояти адлия бошқармасининг 2013 йил 14 февралдаги 28-ум-сонли буйруғига асосан Самарқанд шаҳридаги "SAMARQAND QONUNCHILARI" адвокатлар ҳайъатининг адвокатлари Дусмуродов Отабек Мэлсовичга вилоят адлия бошқармаси томонидан 2009 йил 12 июнда берилган SA 000295-рақамли, Олтибоев Ильхом Муминовичга вилоят адлия бошқармаси томонидан 2011 йил 5 апрелда берилган SA 000361-рақамли ҳамда "QOMUS HIMOYACHISI" адвокатлар ҳайъатининг адвокати Муратова Бэлла Наильевнага вилоят адлия бошқармаси томонидан 2010 йил 30 октябрда берилган SA 000345-рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияларининг амал қилиши ва адвокатлик мақоми тугатилди.

Реклама ва эълонлар


## Ҳурматли юртдошлар!

ASAKA BANK

## "Асака" банки (ОАЖ)

**миллий ва хорижий валютадаги муддатли янги омонат турларини таклиф этади:**

### "ФАРОВОН ТУРМУШ" (МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДА)

*Ушбу омонатнинг сақланиш муддати 12 ой ва 18 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар олдиндан ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.*

### "ИШОНЧЛИ" (АҚШ ДОЛЛАРИДА)

*Ушбу омонатнинг сақланиш муддати 12 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар олдиндан ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.*

**Ушбу омонат турларини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин. Мурожаат учун: "Асака" банки (ОАЖ) филиаллари телефонлари: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.**

| Филиаллар | Код | Телефон |
|---|---|---|
| Тошкент шаҳар филиали | 371 | 120-83-13 |
| Автотранспорт филиали | 371 | 120-39-95 |
| Шайхонтоҳур филиали | 371 | 140-39-36 |
| Юнусобод филиали | 371 | 221-80-67 |
| Сирғали филиали | 371 | 258-67-49 |
| Тошкент вилояти филиали | 371 | 120-84-13 |
| Андижон вилояти филиали | 374 | 224-40-96 |
| Асака филиали | 374 | 233-13-69 |
| Фарҳод филиали | 374 | 226-97-53 |
| Фарғона вилояти филиали | 373 | 224-70-83 |
| Марғилон филиали | 373 | 237-12-37 |
| Олтиариқ филиали | 373 | 432-10-11 |
| Қўқон филиали | 373 | 552-61-04 |
| Наманган вилояти филиали | 369 | 226-94-75 |
| Навоий вилояти филиали | 436 | 223-54-32 |
| Зарафшон филиали | 436 | 573-18-78 |
| Бухоро вилояти филиали | 365 | 223-71-94 |
| Бухоро шаҳар филиали | 365 | 770-11-27 |
| Самарқанд вилояти филиали | 366 | 231-08-86 |
| Афросиёб филиали | 366 | 221-77-56 |
| Қашқадарё вилояти филиали | 375 | 221-12-93 |
| Сурхондарё вилояти филиали | 376 | 770-82-12 |
| Қорақалпоғистон филиали | 361 | 770-60-59 |
| Хоразм вилояти филиали | 362 | 226-97-78 |
| Сирдарё вилояти филиали | 367 | 225-44-03 |
| Жиззах вилояти филиали | 372 | 226-43-11 |



*"Асака" банки (ОАЖ) сармоянгизни сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди! Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.*

**Сизнинг омонатларингиз:**

- *солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!*
- *маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!*
- *эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!*
- *миқдори чекланмаган!*

Хизматлар лицензияланган.


Адлия вазирлиги жамоаси вазирлик қошидаги Юристлар малакасини ошириш Маркази директори Асқаржон Ғафуровга онаси
**Санобар ая ҒАФУРОВА**нинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Сурхондарё вилояти адлия бошқармаси жамоаси "Х.Сулаймонова" номидаги республика Суд экспертизаси марказининг ҳудудий вилоят бўлинмаси мудири Равшан Газиевга турмуш ўртоғи
**Зархол САПОЕВА**нинг
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.


**ИНСОН ва ҚОНУН** 1996 йилнинг январидан нашр этилади

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

www.minjust.uz

2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган

ISSN 2010-7897

Бош муҳаррир: Қўчқор НОРҚОБИЛ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Ражабова Мавжуда Абдуллаевна
Қўчқор Тоғаев
Турсунов Тўлқин Мирзаевич
Очилов Алижон Мухлисович
Муҳаммаджонов Омонулла Зокирович
Султонов Алимқул Тошбекович
Мамадалиев Зайниддин Очилович

Навбатчи: Ёрбек ИСКАНДАРОВ

Саҳифаловчи-дизайнер: Тўлқин РАУПОВ

Нашр индекси: 137

«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 30-уй.
Буюртма j-6515. Тиражи — 24245.
Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 19.00

МАНЗИЛИМИЗ: 100047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 233-95-31, Факс: 233-84-50

Баҳоси келишилган нархда

1 2 3 4 5